

**“URGANCH SHAROB” акциядорлик жамияти акциядорларининг  
Саноатчилар кўчаси 417-А уй 2019 йил 19 июль соат 11-00 да бўлиб ўтган  
навбатдан ташқари умумий ҳисобот йиғилиши баёни**

**19 июль 2019 йил** **Урганч шаҳри**

Йиғилишни жамият бошқарув раиси У.Кенжаев очиб, йиғилиш кворумини аниқлаш учун санок комиссияси раиси Б.Джуманиязовга сўз берди. Б.Джуманиязов сўзга чиқиб, жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгаси бўлган акциядорлар эгалик қилган овозларнинг умумий сони 4 880 088 дона. Йиғилишда қатнашаётган акциядорлар эгалик қилган овозлар сони 3 527 116 дона эканлиги йиғилиш кворумини 71,3 фоизини ташкил қилиши ҳақида тузилган санок комиссиясининг 1-сонли далолатномасига асосан йиғилишни ўтказиш ваколатли эканлиги тўғрисида маълумот берди. Йиғилишда жамият акцияларининг Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг ишончли вакили сифатида Ж.Назаров қатнашмоқда. Мажлисда М.Каримов сўзга чиқиб, йиғилишни тартибли олиб бориш учун йиғилиш раиси, котиби, раёсати ва санок комиссияси аъзоларини сайлаш тўғрисида фикр билдирди ва йиғилиш раислиги ва раёсатга Ж.Назаровни, котибликка М.Каримовни ҳамда “URGANCH SHAROB” АЖ бошқарув раиси У.Кенжаевни таклиф қилди. Овозга қўйилганда ушбу таклиф йиғилиш иштирокчилари томонидан бир овоздан маъқулланди.

Йиғилиш раиси

Ж.Назаров

Котиби

М.Каримов

### **МАЖЛИС КУН ТАРТИБИ.**

- 1. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини кейинги йиллик умумий йиғилиш кунига қадар янги таркибини сайлаш;**
- 2. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини кейинги йиллик умумий йиғилиш кунига қадар янги таркибини сайлаш.**

**Жамият раиси У.Кенжаев сўзи.** Йиғилиш ўтказиш бўйича барча ташкилий масалаларни ҳал қилиниб, кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқишга ўтилди. Умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалаларга овоз бериш қўлигиздаги бюллетенлар орқали амалга оширилди.

**Кун тартибидаги биринчи масала** кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш масаласи бўйича Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 76-моддасига кўра акциядорлик жамиятлари Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва бошқарув аъзолари ҳар йилда қайта сайланиши керак. Шундан келиб чиқиб, жамият Кузатув кенгаши аъзолари таркибини сайлаш бўйича 2019 йилда қуйидаги таклифлар келиб тушган:

1. Жамиятнинг 53,94 фоиз улушига эга Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2019 йил 20 июндаги 2250/03-19-сонли хати билан жамият Кузатув кенгаши таркибига 3 та номзодни, яъни Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги бўлим бошлиғи Ўралов Эркинжон Қўнғирбоевич, Давлат активларини бошқариш агентлиги мутахассиси Турабеков Ойбек Улуғбек ўғли ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлиги Хоразм вилояти бошқармаси бошлиғи Назаров Жахонгир Бахромович номзодларини;
2. “Urganch Sharob” АЖнинг 70508 дона (1,42 фоиз) оддий акциялари эгаси Урганч шаҳар Шарқ кўчаси 4 йўлак 5 уйда яшовчи акциядор Каримов Муродбек Пархатовичнинг 2019 йил 21 июнь кунги “Urganch Sharob” АЖнинг Кузатув кенгаши таркибига Хоразм вилояти ҳокимининг ўринбосари Тўляганов Шавкат Абиджанович ва Хоразм вилояти Давлат мулкани ижарага бериш маркази бўлим бошлиғи Рахимов Шухрат Ражапович номзодларини тақдим қилган.

Келиб тушган таклифлар жамият Кузатув кенгашининг 2019 йил 28 июнь кунги 4-сонли мажлис қарорига асосан таклиф қилинган номзодларнинг барчаси, яъни 5 та номзод жамият акциядорларининг умумий йиғилиш овоз бериш бюллетенларига киритилган. Кузатув кенгаши аъзоларини қонунинг 76-моддаси талабларига асосан “кумулятив” тартибда овоз бериш тартиби билан овозга қўйиш ва энг кўп овоз олган номзодларни жамият Кузатув кенгаши аъзолигига сайлаш лозимлигини айтиб ўтди ва таклиф овозга қўйилди.

**Кун тартибидаги иккинчи масала** бўйича тафтиш комиссияси аъзолигига номзодларни таклифи бўйича сўз жамиятнинг корпоратив маслаҳатчиси М.Каримовга берилди. Тафтиш комиссияси аъзоларига Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2019 йил 20 июндаги 2250/03-19-сонли ҳамда “Urganch Sharob” АЖнинг 70508 дона (1,42 фоиз) оддий акциялари эгаси Урганч шаҳар Шарқ кўчаси 4 йўлак 5 уйда яшовчи акциядор Каримов Муродбек Пархатовичнинг 2019 йил 21 июнь кунги “Urganch Sharob” АЖнинг Тафтиш комиссияси таркибига аъзоларни сайлаш тўғрисидаги таклифлари асосида қуйидаги номзодларни эълон қилди:

1. Машарипов Равшан Жуманазарович – Давлат рақобат қўмитаси Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи;
2. Сафарбоев Муниббек Шавкатович – Давлат активларини бошқариш агентлиги етакчи мутахассиси;
3. Ибрагимова Нодира - “Хоразмшаробсавдо” МЧЖ бош ҳисобчиси.

Сайлов бюллетенларига киритилган ушбу номзодларни сайлаш масаласини акциядорлар ҳукмига ҳавола қилди.

Мажлис раиси Ж.Назаров йиғилиш кун тартибидаги масалалар кўриб чиқилганлигини эълон қилиб, кимда саволлар бўлса, сўзга чиқишни таклиф қилди. Саволлар тушмади.

Юқорида кўриб чиқилган масалаларни таҳлил қилиб, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акция эгалари овоз бериш бюллетенлари бўйича овоз бериш

натижаларига кўра масалалар юзасидан киритилган таклифлар қўллаб – кувватланганлигини инобатга олган ҳолда “URGANCH SHAROB” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши

## Қ А Р О Р Қ И Л А Д И

1. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари янги таркибини сайлаш масаласи бўйича ўтказилган “Кумулятив” овоз бериш натижаларига кўра энг кўп овоз олган Ўралов Эркинжон Қўнғирбоевич (4 320 390 та овоз), Турабеков Ойбек Улуғбек ўғли (3 379 350), Назаров Жахонгир Бахрамович (4 500 000), Тўляганов Шавкат Абиджанович (3 435 840) ва Рахимов Шухрат Ражапович (2 000 000) номзодлари Кузатув кенгаши аъзолигига сайланган деб ҳисоблансин.

2. Ўтказилган сайлов натижалари бўйича жамият тафтиш комиссияси аъзолигига Машарипов Равшан Жуманазарович, Сафарбоев Мунисбек Шавкатович ҳамда Ибрагимова Нодира номзодлари сайланган деб ҳисоблансин.

“URGANCH SHAROB” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиш иши ўз ишини яқунлаган деб ҳисоблансин. Умумий йиғилиш ўтказиш юзасидан эътирозлар билдирилмаганлиги қайд этилсин.

Мажлис раиси

Ж.Назаров

Мажлис котиби

М.Каримов



2019 йил 19 июль